



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВОЯГА
ЕТМАГАНЛАР ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ БАРВАҚТ
ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси фаолияти кафедраси

ўқитувчиси, майор

Жумабоев Асадбек Хамза ўғли

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси кундузги таълим

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти

ихтисослиги бўйича

таълим олаётган 3-ўқув курси

312-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация: Мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олдини олишда профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва амалиёти таҳлил қилинган. Шунингдек, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва ижтимоий ҳимояси, профилактика тадбирлари ҳамда миллий ва халқаро меъёрлар аҳамияти кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарлик, профилактика инспектори, ҳуқуқий асос, олдини олиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий ҳимоя.

Аннотация: В статье анализируются правовые основы и практика деятельности инспекторов профилактики по предупреждению правонарушений несовершеннолетних. Также рассмотрены правовой





статус и социальная защита несовершеннолетних, профилактические мероприятия, а также значение национальных и международных норм.

Ключевые слова: Несовершеннолетние, правонарушения, инспектор профилактики, правовая основа, профилактика, нормативно-правовые акты, социальная защита..

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида қабул қилинган қонунлар ёш авлодни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Юридик адабиётларда вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги ва улар учун жавобгарлик масалалари долзарб мавзулардан бири бўлиб, бу соҳада таҳлил ва тадқиқотлар аҳамиятли ҳисобланади. Мавзунинг долзарблиги биринчи навбатда вояга етмаган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий мақоми билан боғлиқдир. Вояга етмаганлар маъмурий қонунчиликда алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар сифатида ажралиб туради.

Вояга етмаган шахс — 18 ёшга тўлмаган шахс ҳисобланади. Маъмурий жавобгарлик қонунчилигига мувофиқ, вояга етмаганлар икки турга бўлинади: 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин, 16 ёшгача бўлган шахслар эса тортилиши мумкин эмас. Ҳар икки ҳолатда ҳам вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаслик, шунингдек, болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига йўл қўйиш учун жавобгарликка тортилиши мумкин.



Маъмурий жавобгарликнинг минимал ёши Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддасида 16 ёш деб белгиланган. Шу боис, маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқишда мансабдор шахс мазкур шахснинг ёшини аниқлаш, 16 ёшга тўлганлигини исботлаши лозим. Акс ҳолда иш юритиш имкони йўқ ва бошланган иш тугатилиши керак.

Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқбузарликларига нисбатан жазо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда қўлланилади. Жазо қўллашда шахснинг ёши, содир этган ҳаракати ва ҳуқуқбузарлик хусусияти инобатга олинади. Агар вояга етмаган шахс бошқа шахслар томонидан ҳуқуқбузарликка жалб этилса, айбдор шахснинг ҳаракати оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади (МЖтКнинг 32-моддаси).

Вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакиллари томонидан етарли назоратсизлик, атрофдагилар ва жамоатчилик эътиборсизлиги уларда ҳуқуқбузарлик содир этишга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ҳуқуқбузарлик оқибатлари таҳлили ва профилактика чоралари аҳамиятли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-263) вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир бўлишини олдини олиш ва уларни ижтимоий назорат ва тарбияда қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14-моддаси вояга етмаган шахсларга нисбатан махсус чоралар қўлланилишини назарда тутди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари, уларнинг ижтимоий муҳити, тарбияси, таълими ва психологияси билан узвий боғлиқ бўлиб, келажак ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, оилавий кадриятлар ва тарбиянинг деформацияси вазиятни оғирлаштиради.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг ҳуқуқий асосларига тўхталадиган бўлсак.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари халқаро ва миллий қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда бу соҳадаги ҳуқуқий асослар қатор халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакат Конституцияси ва қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирлик ва давлат қўмиталарининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатларидан иборат.

Халқаро меъёрлардан эътиборга сазоворлари — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989 йил 20 ноябрь), Қуролли можароларда иштирок этувчи болалар тўғрисидаги факультатив Протокол (2000 йил 25 май), Болалар савдоси, фоҳишабозлик ва порнографияга қарши қўшимча Протокол (2000 йил 25 май), БМТнинг Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш Қоидалари (1986 йил 21 май) ва бошқалар. Ушбу ҳужжатлардан кўпчилиги Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ва миллий қонунчиликни шакллантиришда асосий тамойил сифатида қўлланилади.

Миллий қонунчилик доирасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва содир этилган маъмурий ҳамда жиноий ишларини кўриб чиқиш тартиби Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ва Маъмурий жавобгарлик кодексларида аниқ белгиланган. Жумладан, Жиноят кодексининг айрим моддаларида вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган жиноят оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилса, муайян моддаларда уларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (масалан, 122-модда — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш; 127-модда — вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш).

Жиноят кодексининг «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари» деб номланган алоҳида бўлимида вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланадиган жазолар тизими ва уларни тайинлаш тартиби, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш механизмлари белгиланган. Жиноят процессуал кодексда эса вояга етмаганлар билан боғлиқ ишларни юритиш тартиби аниқ кўрсатиб ўтилган.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишдаги субъектлар фаолияти қатор қонунлар билан тартибга солинади. Улар орасида — «Прокуратура тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида»ги қонунлар ва вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олдини олиш билан боғлиқ Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва ижросини таъминлайдиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Прокуратура вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда асосий давлат органи ҳисобланади. Прокуратура тизимида махсус тузилмалар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва қонунлар ижросини назорат қилиш вазифасини бажаради.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун вояга етмаганлар учун таълим ва ижтимоий фаолиятни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Улар вояга етмаганларнинг маданий, спорт ва ижтимоий фаолиятда иштирокини таъминлайди, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида фаолият кўрсатади. Уларнинг вазифаси вояга етмаганларнинг

хукуқбузарликларини олдини олиш, уларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва профилактик чоралар амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганлар хукуқбузарликларини барвақт аниқлаш ва олдини олишда профилактика инспекторлари фаолиятининг муҳимлиги, хукуқий асослари ва амалий самарадорлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.
6. Бола хукуқлари тўғрисидаги Конвенция.
7. Қуролли можароларда иштирок этувчи болалар тўғрисидаги факультатив Протокол (2000 йил 25 май),
8. Болалар савдоси, фоҳишабозлик ва порнографияга қарши қўшимча Протокол (2000 йил 25 май),
9. БМТнинг Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш Қоидалари.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни,
11. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни,
12. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни.